

Тарих тилга кирганда...

эслиди кейинчалик ўша муҳим воқеанинг гувоҳи, атоқли театр режиссери, Ўзбекистон ССР халқ артисти Музафар Фарҳодов.

Ҳа, премьерга тугагач томошбинлар ташқарига раво бўлдилар ва театр заҳматчилари кириб-чиқадиган эшик олдин ўраб олдилар. Улар Фарҳод — Норхоновнинг ҳаётий кифофда кўрсак, деб сабрсизлик билан кутиб турардилар. Афсуски, эъзозли санъаткор улар ҳузурига чиқа олмади. Айримлар нимадир деб мингиллашди, ҳафа бўлишди, кимлардир кўллариди гулларни эрда билан эриққа отиб юбордилар. Иккаридан чиқиб келатган баъзи таниқли санъаткорлар эса Норхоновнинг муҳлислари кўпчилигини кўриб пинҳона ҳасад ҳам қилдилар...

Уша кимаси қора шилпа ва қора плашдаги икки киши Норхоновни дароқ тавтардан ташқарига олиб чиқиб кетдилар. Уни эшик ёнига яқин турган қора «Эмка машинасига ўтказиб, «Шарк» маҳмонхонаси андан ўнг қўлга бурналдиган кўчага қараб кетдилар, — деб эслиди орадан кўп йиллар ўтгандан сўнг кекса саҳна изматчиси, Меҳнат Қўзил Бейрқор ордени нишондори Рашид Қодиров.

Саъдулла Норхонов нима учун ва қаерга гойиб бўлди — аввалига ҳеч ким ҳеч нарса билмади. Ундагилар ҳам хавотирланиб театрга келганларидега унинг ҳибса олингани ва номълум томонга олиб кетилганини эшитдилар, холос. Орадан бир неча ойлар ўтгач Фарҳоднинг машҳур ижросидан дарак топилди. У аллақандай жинсий иши учун 1937 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон Олий суди «лагерь коллегияси» ҳукми билан саккиз йилга озодликдан маҳрум этилган экан. Шир ошқора ўлғай барибир дегилларидек, актёр фойхосининг сабабкорлари кейинчалик юзга чиқиб қолдилар.

1965 йилларда мев республика театр арбоблари уюшмасида раҳбар ҳодим бўлиб ишларди. Бу чикарадиган «Тошкент театрларида» ойномасининг навабдаги соми ўша пайтдаги вазиет туйғайли ушаниб қолди. Мен муқова тайёрин-йўқим, ҳабар олмақ учун офсет фабрикасида бордим ҳамда ушбу корхонанинг кекса ходими Сайдалиев билан учрашдим. Енида бир киши ўтирган бўлиб, улар ўртасида сўхбат борарди. Сайдалиев менга «Баҳридин», танишиб кўйинг, бу киши машҳур ҳофиз Саъдулла Норхонов бўладилар, — деди. У мана шу фабрикада иши экан. Уша учрашуви сира ёдимда чиқмади. Ушанда унинг бошига тушган мушкулотлар тўрисида муайян маълумотларга эга бўлдим ва келгуси савфар бамайлихотир сўхбатлашишга келишиб олдик. Аммо у нима учун қамалгани, кимлар туйғайли шунча азизлар чекгани ҳақида очик-ойдин сўзлашдан унинг олиб қочди. Мен уни тушундим. Юрғи олиниб қолган эди...

Худай шу йилнинг саратонига Тошкентнинг Шохисломтла маҳалласида Саъдидин исмли киши ўғил туғилди. Ўшга эгаси кечқурунги баъзан бошқарилган майдан илтимос қилди. Бирдан маҳмонлар орасида Саъдулла Норхоновни

қатариб, «Заволли Ватан», «Авалли ҳо-ҳой», «Хири вой-вой», «Буок аскар», «Емон ўртоқ» каби спектаклларда иштирок этди. Кейинчалик «Роҳат боқча», «Касабалар Боғидаги саҳналарда» муслиқий спектаклларда қатнашиб, ўзининг ноёб овози билан томошбинларга манзур бўла бошладди. Профессионал театрларда саҳналаштирилган асарларда роллар ўйнади. Сўнгра республика муслиқий театрига ишга тақлиф этилиб, етакчи муслиқий драматиқ спектакллардаги Фарҳод, Мажнун, Незмат, Қодир сингари бош ролларни ўта маҳорат билан ижро этди. «Коллизия»да унинг иштирокида ўтадиган спектакллар республика маданий ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларига айлангандими. 30-йиллар муботутига назар ташласак, унинг шукрати юксакларга кўтариллиб борганини, ўзи эса М. Қорйқубов, Тамира-хоним, Ҳалима Носирова, Бобораҳим Мирзаева қаторида ўрни эгаллаётганининг гувоҳи бўламиз.

У қамалганида эндиғина ўттиз икки йилга киратган эди. Унинг ҳибса олинши ва жинсий жавобгарликка тортилиб, саккиз йилга кесилиб кетиш сабаби мени сира ҳоли-жонига қўймасди. Шу туйғайли Шохисломтла маҳалласидан тўйдан сўнг Али хофиз Ашуров хондонинг равоно бўлди. Сўхбатимиз маълумли қачди. Уша вақтларда халқ орасида шукрат қозонган бўлбл овозли хонанда, Ширин, Лайли, Ҳалима, Гулчехра каби ролларнинг аjoyиб ижроси, машҳур Назира Иноғомовага қилинган ваҳшийларча суқасд — унга сурма ичириб, овозини бўйиб кўйишгани, муслиқий театр заҳматқоши, «Ҳалима»нинг мувалифи Гулом Зафарийнинг беғуноқ қатогон этилгани, овози авж пардасида фалакка кўтарилган, «Яллованинг моҳир ижроси Беркибой Файзини 1937 йилдаги Москва декадесидан маҳрум этганлари ва босмачиларнинг хонандаси бўлган деб айблаганлари бага олинди. Али хофизнинг Назира Иноғомова ҳақидаги сўзлари дилини ўртаб юборди: овозидан айрилган, у савдоғи бўлганди. Қўчма-қўча кичкина бир болани етлашиб, хоҳоллаб қўлиб юрарди. Одамлардан «атиги бир сўм беринга», — деб садақа сўрайдиган бўлиб қолганди... Менинг ўзим ҳам уни шу аҳволда бир марта учратган эдим. Эсиш шундай ноёб иктидор эгаси. Тақовузга урмаланди ва энг қаманда Ўзбекистон ССР халқ артисти бўлиб юрариди...

Мен Али хофиздан Норхоновнинг қамалиш асл сабабини сўраганимда у киши шундай дедилар: Сабаби нима бўларди — аллоҳ, уйдирма, ҳасад ва номардлик-да. Уни ҳибса олишдан аввалроқ бир гуруҳ санъаткорлар Шайхондотурдаги бир хондонда гап-гаштада бўлганлар. Ушбу ўтиришда Карим Зокиров, Бобораҳим Мирзаева, Ҳалима Мирзаева ҳам иштирок этишган. Ҳалима «шайтон суви» қурмагудан ҳам олинган эди, йилгиларнинг қайларини олиб қолган. Гап райога Сталиннинг номи берилишига бориб тақалади. Шунда табиатан қизиққан бўлган Саъдулла «Э, қўйсанг-чи, уша лаянати, со-

1953 йилда Сталин ўлгандан кейингина озодликка чиққан. Кейтиб келганларида аҳволлари ўта ноҳор, кўрган киши танимас, оқетга ҳеч тўймасдилар. Мана шундай вақтда мен у кишига турмушга чиққанман. Қийинчиликларга дуч келишимни, мислиси азобларда қолишимни ҳам билардим. Ҳаммасини гардонимга олдим. Гишт заводида ишладим, кафеда идиш-товоқ ювиб юрдим, «Минор»даги бўёқ ҳеҳида ишни бўлиб ишладим... Бироқ Саъдулла акага турмушга чиққанмандан асло ўқинмайман. Худо арлақиб тўрт фарзанд кўрдим. Улар отасидан кейин ҳам бегирмини тўлдириб юришди. У киши туйғайли ёрли, ҳовлили бўлди. Фақат бир армонимиз: орамизда йўқлар, узларни-қў, гурбатда ўтидилар, аммо болаларнинг бахтли бўлиб кетганини ҳам кўролмадилар.

Ҳа, Норхоновнинг 1937 йилдан кейинги умри гурбатда ўтди. У 1953 йилда қамолдан озод этилган бўлса-да, аммо Тошкентда кун қиришга ҳақиқи йўқ эди. Чунки шаҳардан 50 чакирим нарида яшашга ҳужм қилинганди.

Иқболхон ая ҳикосининг давом эттиради: шаҳарда яшай олмаганимиз туйғайли менинг ишдан бўшашимга, рўзгорининг бор лаш-лушини йиғиштириб йўлга тушишимизга тўғри келди. Биз Янгийўл районидаги Эски қовунчида Орф ака деган кишининг уйда бир йилча яшадим. Кейин озгина ер олиб, бир уй ва бир даҳлизни тиклагучча лой ҳам тепдик, гишт ҳам тердик, ёғоч чопдик, девор кўтардик. Мен аёллигимни ҳам бутунлай унуттадим. Шу орада учта болали бўлдик. Саъдулла ака ота касби кассоблик, асқотар деб, Янгийўлдаги гушт қомбинатига борган эди, у кишини саллоҳликка олишмади, «робо-қ» бўлиб ишладилар. Шуниси ҳам шукр қилдик. Мен эса қолзода бўлиб қўйишмади. Вақти-вақти билан «тегишли маҳкамалга» қачириб туришарди. Бироз сўз бирон жойга бора олмадик. Қариндош-уруғларни соғинмас, бир кеча менинг онамниқанда яширичча тунб келардик. Нима учун сизни қамашган десам, сира айтимасдилар. Асабийлашиб, гапни бошқа еққа буриб юборардик. Ҳаммаша ҳавотирда яшардилар. Бир кунни замон ўзгартайлик, қамолдан ҳам чиқиб келганимизга анча бўлиб қолди. Гапирсангиз-чи, ахир нима учун сизни қамашган, — деб туриб олганди, «Шайхондотурда» Мунававар қориниқанда қайф аралаш Сталинни суқкан эканман, шунинг ҳаммасиларини тегишли жойга эзиб беришди, шунинг учун», — дедилар, холос. Кейинчалик шундай ҳам дедиларди: «У ерлардан бўшаб келгач, Каримни кўрдим ва мана мен келдим десам у қизариб-бўзариб кетди. Бирор оғиз сўз демая қетиб қолди... Менинг овозим қулиб эди. Норхонов катнашди, деб аъзолар, спектаклларга иштироқларга ҳат ва арзонлашди юборди. Аммо натижа бўлмади. Иқболхон аянинг хотирласи, унинг бир таниши келиб, Саъдулла, сени оқлашлари керак, ҳужжатларини бер, мен ҳарқат қилиб қўраман, деган. Аммо на уни қайтиб келган, на ҳужжатларини қайтариб берган. Норхонов куйганча қолаверган. У санъаткорга тақовуз қилган тубан ниятли кишилар эзини йўқотиб юбормоқчи бўлган ая бир ўғил эди, холос.

Баҳридин НАСРИДИНОВ



кўриб қолдим. Унинг андида эса «Фарҳод ва Ширин»да Шопур ролини ижро этган Али хофиз Ашуров ҳам ўтирдилар. Демак, бу киши санъаткорнинг дўстлиги ҳофиз ҳам давом эттириб, деган фикрлар ҳаёлидан ўтди. Ушанича, Норхонов менга ўш ҳақида айтишга чўчган нарсаларни Али хофиздан биллиб оламан, деб савандим.

Базм аънга чиқиб бормоқда эди. Шу пайт «Коллизия»нинг директори Қосимхўжаевнинг жияни Файзулла овози бориб бу ерда машҳур Саъдулла хофиз ҳам ўтирибдилар, у кишига наваб берилсин, дея қичқирди. Ушим ҳам шу ҳақда ўйлаб тургандим. Унинг овози ҳали ҳам борлигини давом эттириб эди. У ҳақда 1955 йилда «Тоштурма» орасидаги далага, Сарихўжа ота хондонига отам Насридин билан бориб юрганларидега айтилган эди. Норхонов «Тоштурма»да ётган вақтларида ойдан кечада «Ушюк», «Сөгюк», «Чоргоқ»ларни ниҳоятда дилларини ўртаб айтган. Хонанда ашула айтиши вақтида қамолхона атрафида истикомат қилувчилар девор остига келиб ўтириб оларканлар. Қийноқда қон бўлиб кетган юракдан чиққатган овозга ҳаётга муҳаббат, қаноқлик омухталаниб, ҳамма юм-юм билганлар, хофизнинг мушуқли осон бўлсин, дея доғ қилишаркан. Қулардан бир киши Саъдулла хофиз камерасидан кучушаркан бағнос овоз таралмабди. Далачилар бундан жуда басармон бўлибдилар. Маҳбусларнинг овозлари ҳам шитилмасини, ҳамма ақини оғир суқнат босибди. Орадан йилгирма-йилгирма беш дақиқалар ўтгач, қамолхонанинг темир панжирли деразаларидан қичқирч овозлари эшитилди: — Саъдуллоҳон, куйла! Хофиз, ашулагизини айтинг! Павеқ, пой, не молчи! Ҳў, биродар, қўшиқни бошла, нега жимиб қолдинг! Норхонов, куйла, илннкимизни ушмо, садағанг кетай! Ушанда Саъдулла хофиз ботоб бўлиб қолган экан, у очлик эълон қилибди. Бундан ҳабар топан маҳбуслар шовқини — темир қошиқ, туука товоқларнинг қачқ-чуқури, қамолхона ортидаги далачиларнинг кетим, бел-куракларини бир-бирига урган овозлари қамолхонани кўтариб юборар дарағига етибди... Сарихўжа отанинг таъкидлашича, хофизни қамалган билан унинг овозини қамлаб бўлмас экан-да...

Тўй-базм кечасида наваб Саъдулла хофизга берилаганди у киши икки оғиз табрик сўзи қилдилар: ҳаммаша тўй бўлсин, ҳафтарчилик, номардлик бўлмасин, беҳудга эзият чекманлар. Энд биз бир ҳудат ашулани лнлоча чертиб айтиб берамиз. — У «Фарҳод ва Ширин»дан иккита ашула айтди. Уларнинг бири «Баёт», иккинчиси «Дугоҳ-Хусайн» эди:

Бердим қўнглини кўзгуда тасвирини кўриб,
Кўзлардаги фусунининг тасвирини кўриб...
Кўртган эмас жадон кўзи ул ой мисолини,
Тортдим қўнглини лавғига нишан жамолини.
Тўйга келганлар ундан яна бир ашула айтиб беришни илтимос қилдилар. Хофиз бироз жим туриб қолди ва унинг чеврасида аста-секин маъносик пайдо бўла бошлади. Қомангига гап-гиллик юки қўнгандек туюлди. У кўзларини юмди-да, «Сөгюк»ни бошлаб юборди:

Ҳижрон тўнин жавфоси-ла жон бўлди беворар,
Бўлди сирми бутун жақон ақлига ошвор.
Нундек эғлиди гўл юки остида қоматини,
Фирқин сени висолниг йўқ ўзга ҳолатини,
Аммо сен ўзга базми ару мусту бағтир...
Ким билсин, болки қамалгандин сўнг турмуш ўртоғи (у санъаткор эди) ушуб юборгандиндан эзият чекиб айтатгандир ушбу қўшиқни.

Саъдулла Норхонов ҳақида тарих даярли ҳасилик билан эди қолдилар. У 1905 йилда Тошкентнинг Бодай маҳалласида туғилди. Отаси Норхонов кассобнинг икки фарзанди бўлиб, бири — Юсуф — гулчилик қилган ва урушдан аввал ўлиб кетган. Иккинчиси — Саъдулла — мактабда ўқиб юрган чоғларидега санъатга меҳр кўйиб, ўн беш йилдан бошлаб Эски шаҳардаги «Шарк саднеси»да Хуршид тузган драмгуруппада

вук номинини. Бирон-бир ўзбек алломасининг номи кўриб қолганимиз» деб юборган-ку. Шундай бўлганда, қамолхонанинг «тегишли маҳкамаларга» Саъдулла жаҳдларга бошлиқни — Мунававар қорини маҳмондорчилигида бўлиб, доҳиймаси Сталинни ҳақоратларда, деб эзиб берганлар, санъаткорнинг жуномарг бўлишига сабаби бўлганлар. Мен бу воқеани кейинчалик ўша ўтиришда қатнашган Ҳалима Мирзаевани эшитгандим. Ушбу ишга ҳат асосида Саъдуллани қамалдилар. У Москвадаги декадада қатнашмади. Иштирок этганида албатта иккандор бўларди. Фарҳод ижросида улукчи у олиб кетарди. Ҳасадгўйлар мана шундан чўчлаганлар...

Норхоновнинг аянчилик қисмати ҳақида кўпгина санъат намояндлари билан сўхбатлашишга тўғри келди. Уларнинг барчаси санъаткор ҳақида ачиник сўзладилар.

— Менинг қўнглимни унақа-бунақа хонанда забт этиши кўнглимни. Уттизичи йилларда Саъдулла Норхонов ижроси меҳрини овланди. Афсус, уни ҳасад, тухлат тавтардан мосува қилди, — дейди Ўзбекистон ССР халқ артисти Маҳмуджон Гофуров. — Дароно, 1990 йилнинг кузида Ўзбекистон таллавандесиси билан ҳамкорликда Маҳмуджон Гофуров ижоди ва ҳаётига бешиқланган видеофильмин режиссёр Наби Раъзоқов билан сурагга олаётган эдик. Воқеалардан бири Маҳмуджон ака оталиққа олган ва маданий хизмат кўрсатиб келатган Тошкент шаҳрининг Амал Икромов районидаги Улванов номи маҳаллада кечкичи керак. Биларни ушбу маҳалла комитетининг раиси, меҳнат фазриши Раҳим ака Масхоров кутиб олди. Сўхбат орасида Норхонов ҳам ёд этилди. Раҳим ака уни яқин билиши, 1966 йилдаги зилзиладан сўнг олмас билан ўша маҳаллага кўчиб келиб истикомат қилгани, сўнги йўлга кузатиб борилаган ҳақида сўзлаб берди.

Мен актёр хондонига бир кириб, олмасини зйрат қилиб қиқшини дилимга тугиб қўйдим ва Раҳим ака билан Яқидил кўчасидаги 81-ўйга қадам рақижа қилдик. Хондон эгалари бизни очик чехра билан кутиб олдилар. Достурхон ээлди. Уй тўғрида деворда осилиб турган портретга ниҳонини тушди. Бу — ўша Саъдулла Норхонов эди. Қўнмига Баҳоседан ўш киши қилди олди. Бироздан сўнг ўзига келди-да, деди: — Арвоқин хотира қилиб келганимиз учун раҳмат, аминкигизнинг руқини шод этдингиз. Яқинда «Тошкент ҳақиқати» рўномасида босилган мақолаларда ҳам Норхоновни эслаб ўтибсиз. Қани энди шу кунларда ўзлари ҳаёт бўлсалар. Юз бераётган ўзатиришларини, адолат тантана қилаётганини, қора тамга босилганлар қайтадан тирлаётганини кўриб беҳад қувонардилар...

Бу аёл, куйиб-ёнлиб, йнлаб-йнлаб сўзлаётган аёл — Норхонов Иқболхон. Саъдулла хофизини рафиқаси. Етмиш эш остонасида турибди. Киприк қомай унинг ҳикосини тинглагани: адолатсизлик, зулм ҳам бир бечорага шунчалик бўладики! 1937 йилда у кишини қамашганида «Тоштурма»да ятдилар. Амалери Юсуф гулчининг хотинлари Анорзон аканинг қолваччам бўларди. Кўрай деб борсалар, Саъдулла акани курсатмасдилар, қон йнлаб келишарди. Мен ўша пайтларда ўш беш шаҳарда қича эдим. Кейинчалик Норхоновни «переспектив» пунктга ўтказдилар ва у ердан бошқа қамолхонига жўнатиб, дом-даракисиз қилиб юборди. Айтмасам мнмондан бўлмаган, аввалги хотинлари қиқчириб Бачорат Хўжаева эди. Эри қамалган бошқача турмушга чиқиб кетди. Фарзанди борлигига ҳам қарамед. Саккиз йиллик қамол мударати тамом ҳам бўлди. Биз Норхонов ая келиб қолар, мана келиб қолар деб кутамиз. Йўқ... кейинчалик билдик, биринчи марта қаматган номардлар қайтадан физик фуқуру уюштириб, Шўрнин ҳақоратлади, Сталинни сўйди деб, яна саккиз йилга кестириб юборган эканлар. Шундай қилиб, шурлик қамолхонанда ўн беш йил беғуноқ ўтирди. Фақат

Норхонов Эски Қовунчида қафасдан озод бўлган-у аммо оғидан қичи қанотидан боллаб қўнглин қиқиб ҳаёт кечиршига ортиқча қилмади. Устига-устак қачириб турмушлар, сўроқча тўтишлар ҳам жонига тегди. У ююри ташкилотларга ҳат ва арзонлашди юборди. Аммо натижа бўлмади. Иқболхон аянинг хотирласи, унинг бир таниши келиб, Саъдулла, сени оқлашлари керак, ҳужжатларини бер, мен ҳарқат қилиб қўраман, деган. Аммо на уни қайтиб келган, на ҳужжатларини қайтариб берган. Норхонов куйганча қолаверган. У санъаткорга тақовуз қилган тубан ниятли кишилар эзини йўқотиб юбормоқчи бўлган ая бир ўғил эди, холос.

1959 йилда Норхонов оқланди. У оқланганлиги ҳақидаги ҳужжатни олгач, турган жойида қотиб қолади ва бироздан кейин Иқболхон аяга қандайдир сирли боқеди. Сўнгра лаблари ятгаб, кўзларидан ёш оқиб кетаредими. У хотинига алланима демокчи бўларди-ю, лекин гапиролмасди. Асаби ортиқча дош беролмади. У овоз чикариб йнлаб юборди. Шунда ая ҳам ўзини ушлаб туролмади, эрига қўшилиб йнлабдиларди... Бу ҳам алам, ҳам савани йнқис эди. Жуда кич бўлса-да, адолат эшик қоқиб келганди. Фарҳод қўн-оғига солинган кишилар орадан даярли йнлашга икки йил ўтган эди.

Шундан сўнг Норхоновлар олмаси Тошкентга кўчиб келди. У зарур ҳужжатларни тўғрилик, иккандотла олгач, «Тарақий» кўчасидаги 25-уйда истикомат қила бошладилар. 1959 йилнинг март ойида Алишёр Навоий номи давлат опера ва балет театрига кириб борганида дастлаб ул танимадилар. Очгини айтганда, унинг бутун умри ҳазон этилишига сабаби бўлганлар ушбу театрдиги тубан зотлар эди. Бошқа одам балки бу даргоҳга ўйлаб қадам босарди. Аммо Норхонов санъатини, театрини жон-дилидан севар, усиз ҳаётини тасаввур ҳам этолмасди.

Аммо шунча кўплатлардан омон қолган Норхоновга «қужма» яна давом эттириди. Уни 1959 йил 28 мартдаги буйруқ билан театрга хор артисти қилиб қабул этидилар. Маоши ҳозирги пул ҳисобида 60 сўм эди. Унинг арзасига кўра йнғирма икки йиллик азиятлари, ноҳақ аёблов билан ўн беш йил қамолда ётгани завазга айтиг икки ойинг иккандотла пул берилди. Бу билан оқилнинг тебратини осон эмасди. Уни энди ўз хоҳишига кўра ўзбек давлат эстрадажиги (Узгострада) ишга жўнатардилар. Санъаткор концертларда қатнашиб юрди. Ўзбек классик қамада халқ ашуларининг репертури тузди. Бироқ, у ерда маънавий-мақсадий қониқшига эга бўлмасди. Моддий аҳоли ҳам ақшиланмади. Бу даргоҳда ҳам кетишга межбур эди. Узини зўрлаб бўлса-да, Тошкентдаги офсет босмоқхонасига ишга жойлашди. Норхоновнинг ўша вақтлардаги аҳволини таърифлаб, Иқболхон аянинг сингилиси — Мўқийи номи муслиқий театрининг артисти Мехри Хожиева шундай дейди: Саъдулла акамиз санъатсиз: ашломасдилар. Машқи паст аҳволда офсет фабрикасига ишга бориб келардилар. Уйга қайтарилар дегунча савган ашуларини хиргойи қила бошлардилар. Ҳақиқий санъаткор ўзга ҳаёт билан яшаш ўта мушкул эканини мана шу кишининг аъзонидан ақоқ курсе бўларди.

Шу театрининг ая бир санъаткори, хонанда Раҳим Хожиев шундай хотирлайди: Саъдулла акани олтиминчи йилларда билардим. У киши оғир аҳволда яшар, олгани тебратини керак бўлган куну би билан тўйларга оила-сонда бориб турардилар. Овозлари ақиллик, «баритон» бўлиб у кишига ҳеч қандай микрофон керак эмас эди. Айниқса кетта ашуларини лнлоча билан айтсарлар борми, икки маҳалла бемалол эшиттаверарди...

Мен Норхонов кейинчалик тўйга бормай қўйганини сабабини ҳам эшитгандим. Бир куну у Чакердаги аллақиса тўйга борибди. У ақ-бу аққа кўз ташлаб, тўй эгасининг бечорақол эканлигини сезибди. Хизматини адо этибди-ю, пулни олмабди ва яқин бир дуо қилиб қўясиз, деб



Саъдулла Норхонов Фарҳод ролнда.

қетибди. Шу-шу тўйларга бормай қўйган экан. Кекса санъаткорларнинг айтишларича, тўйчи хофиз ҳам Исфарога тўйга борганида ўзига тортиқ қилинган отини самовар қайнатиб юрган бир факир бечорага ҳаёт этиб кетган экан. Ҳозир бўлса ҳаёт айрим обрўли артистларимиз ҳам тўйга бориш учун уялман-нетмай 500 дан миңг сўмга сўрайдилар. Ўзига тўх олганини тўйи бўлса йнлганлардан «кистрима» оламан, деб турли мақомга йўрғалаб санъатини пойлом қилганини кўриб, ҳафа бўлиб кетасан киши.

1966 йили Тошкентдаги ер қимирлаш натижасида Норхоновларнинг ҳовлиси ҳам вайрон бўлди. Унинг аҳоли оғирлаша бошлади. «Тарақий» маҳалла комитетининг раиси Маҳаммад ака кўчада «палатка»да ётган Норхоновлар олмасига Октябрь даҳасидан озгина ер олиб берди. Иморат тиклаш, уста алашга эса пул йўқ, болалар ҳали жуда ёш. «Инсулт» унинг бир қўли ва оғирини йўқ қилиб қўйди. Бугинги ая Иқболхон аядан эшитайлик-а: Оғир касал бўлганларидан кейин Саъдулла акани офсет фабрикасида ишдан бўшатдилар, иккинчи гуруҳ ногирони этиб, 35 сўм миқдорда пенсия тейинлашди. Тўртта бола, ҳаммаси ўқучи. Унинг пойдеворини бора қўршаганмиз. У киши палаткада ятдилар... қўнлиб кетдим, қон-қон йнлганди. Ноилжон, ноилжон қўнлиб кетди, қон-қон идиш-товоқ ювиш ишга жойлашди. Норхонов 1969 йилга қимирлаб ятдилар, тавтардан, фабрикадан ҳеч ким кўрган келмасди, ҳамма унутиб юборганди. Узлари шол бўлиб ятдилар-у ҳаётлари ҳаммаша саватда, театрга. Тунлари алашриганларидега Тамира-хоним, Ҳалима Носирова, Гаҳвар Раҳимова, Назира Иноғомованинг ноиларини айттаверардилар. Адамсини, дедим бир кунчи, сиз ҳам бундоқ ариксангиз-чи, ким сизни қаққан эди, ахир болаларингиз бор, жуда бўлмаса гуноқорларни улар биллиб қолсини. У киши зўргатади: «Йўқ, мен арилиб бўлганман, энди фойдеси йўқ, мени ҳасад, номардлик еган», — дедилар. Мен ая юм-юм йнлладим.

Адли дониш айтганидек, қарши, дуоибад ахир бир кун «ўз эгасини топиб олади. Мен уларнинг номини тилга олмайман, унояли бўлганлари учун эмас, зўрриятлари, қава-қариндошлари азият чекмасиларки учун.

Норхоновнинг сиймосини кўз олдинга келтирар эканман, бир ювча эсимга тушса, ҳажжондан йнлашди. Норхонов 1969 йилга қимирлаб кайтган кунгаб ота-онанинг қабри ялмасига бориб тиловат қилди. Эртасига эса Шайхондотурдаги Ҳазрат Навоий қайқали поинга бир даста гул қўйди, «Мана, Ҳазрат, Хисрав кишанлаган Фарҳоднинг ая қайтиб келди», — деган экан.

— 1969 йилда Норхонов оламдан ўтганларидега қаҳратон киш эди. Кўп одам тупланди. Офсет фабрикасида бирга ишлаганлар келишди. Аммо бир пайтлар жонини бериб, бутун иктидорини бағишлаб, саҳивини гуллаган академик опера ва балет театридан бирон киши келмади, ҳатто таъзия ҳам эълон қилмадилар, — дейди ўқини билан Иқболхон ая сўзини тугатаркан.

— Ушанда маҳалла фаолларидан бир-икки кишини олиб, Маданий вазириликка бордим ва Норхонов оламдан ўтганини айтдим, — дея сўхбатини давом эттирди Раҳим ака Масхоров.

Бироқ у ердаги ходимлар бундай санъаткор болғини эслиб оламадилар. Таниқли санъаткор болғи, дийрмиз Петросянцга ҳам учиршдик. Келмади. Уша пайтларда театр директори, ҳали ҳам санъаткорлар ташкилотидири махсабдор раҳбар Раҳим Қориева ҳам ҳабар этиб борди. Ҳамма келмади, бирон кишини ҳам юбормади. Шундай машҳур элнинг ҳурматини қозонган санъаткорини бирон-бир томоша залига халқ билан андорлиши учун қўрғаниқилар, деб ўйлаганди. Дарғи маросимини маҳаллада ташкил этди. Чингизотга қабристонга олиб борадик, деган ниятизмиз ҳам амалга ошмади, қамалган экан, деган баҳонани рўқач қилишди. Биз марҳум Тошкентнинг халқа йўли ортидаги «Ваққос ота» қабристонига кўчдик.

У вақтлар анча оғир эди... Ҳамма ҳам Норхонов ҳақида мақола таърифлаб, «Ўзбекистон маданияти» рўномасига олиб боргандим. Қатгон этилган экан, деб мақолани қайтарган эдилар. Таҳририят билан бўлган олмушларини элсамиз, ҳамон аъзон баданини беэтак тугади. Ҳақиқий жангга бўлувди ушанда.

Бугун халқининг эъзозли фарзанди, унинг фойхосини ҳаётга, жува эрта сўндирилган савҳадиги умри ҳоқир овозли хофиз хотирасига бир шалчироқ ақмоқ ақидда тулар бедор эканман, кўз олдинга «Коллизия»даги саҳна келаваради. Унда энди гўя «Лайли ва Мажнун» курсатилатгандек. Мана, спектакль ҳам озирмадан. Саҳна суя қўнгандек жим. Осишталкинни Лайли

1991 йилда Навоийнинг

ЭДЛАВ ОЛИНГ

МАҲБУБҚА ЭТИМОД ҚИЛМОҚ БУЛМАС.
АНДИН ТАЛАБИ МУРОД ҚИЛМОҚ БУЛМАС.
КЎЗНИНГ ҚОРАСИН МИДОД ҚИЛМОҚ БУЛМАС.
ГАР БУЛСА БИТИГ САВОД ҚИЛМОҚ БУЛМАС.

Навоийни тушунмоқ учун



БЕБАРГЛИК — ожизлик, кучсизлик, ҳолсизлик, дармонсизлик.
БЕБАРЛИК — мавасизлик, бехосиллик, самарасизлик.
БЕБАСАР — кўр, кўзсиз, сўқир, бефаҳм, фаросет кўзи кўр киши.
БЕБАСАРЛИК // **БЕБАСАРЛИГ** — кўрлик, кўрмаслик, кўра олмаслик.
БЕБАҚО — бақосиз, вақтинча қисси, омонат.
БЕБАҶО — бақос йўқ, қимматли, тенгсиз, ўта даражада аъло, қадри чексиз.
БЕБАҶОНА — сабабсиз: вақсиз, асоссиз.
БЕБАҲР — бебаҳра, баҳрасиз йўқ, бенаҳиб.
БЕБАҲРА — фойдасиз, бенаҳиб, баҳрасиз.
БЕБИЗОАТ — мол-мулкисиз, бисотсиз, камбағал.
БЕБИМ — кўрчинчсиз, доаярлик билан.
БЕБОК — ботир, кўрчмас, ҳайқимас.
БЕБОКЛИК — ҳайқислик, берақлиқ, шафқатсизлик, берақлиқ, адолатсизлик.
БЕБОКОНА — баҳадорларча, тортинмаслик, одобсизлик, андишасизлик билан, ҳурматсизлик билан.
БЕБУНЕД — бунёдсиз, азалӣ эмас, абадий эмас.
БЕВА — сира ҳотин, тул аёл.
БЕВАЖҲ — сабабсиз, асоссиз, ўринсиз, далилсиз.
БЕВАЖҲ — вақсиз, англ, салмоқсиз, қадр-қимматсиз.
БЕВАҶО — вафосиз, аҳду паймони бузувчи.
БЕВАҶОВАШ — вафосизларга ўтшиш, маҳбуба.
БЕВАҶОЛИК // **БЕВАҶОЛИГ** — вафосизлик, аҳдига вафо қилмаслик.
БЕВАҚТ — беваҳал, беваҳра.

БЕД — тол.
БЕДАВЛАТЛИГ — камбағаллик, бехтсизлик, бадбахтлик.
БЕДАВО — девоси йўқ, иложи йўқ, чорасиз.
БЕДАРАНГ — 1. тўхтовсиз, тез, тезлик билан;
 2. тез юришли, чаққон.
БЕДАРД — 1. бепарво, бегам, ҳеч нарса билан иши йўқ;
 2. дордсиз, дорди йўқ, гаму аламсиз, андуҳсиз.
БЕДАРДИГ — бешқиклик, бемуҳаббатлик; дардсизлик, бегамлик.
БЕДАРИГ — 1. аёвсиз, шафқатсиз, кўрчмасдан;
 2. ўйлабмасдан.
БЕДАРОМОН — кучсиз, қувватсиз; илҳосиз, девосиз.
БЕДАСТ — дастсиз, қўлсиз.
БЕДИЕНАТ — вилдосиз, инсофсиз, номуссиз, хиёнаткор, хонин.
БЕДИЛ — 1. дилсиз, юраксиз; ҳолсиз, мақолсиз; дордлик, аламлик; мафтун, маҳлиб;
 2. қайғули, ҳасратли ошиқ;
 3. ошиқ, мафтун.
БЕДИЛЛИК, **БЕДИЛЛИГ**, **БЕДИЛЛИК** — юраксизлик, кўрқоқлик, беқоқлик, бемақоллик.
БЕДИЛОНА — кўнглисиз, бедилона.
БЕДИН — динсиз, гайридин.
БЕДОД — 1. адолатсизлик, зулм; жабр, ситам;
 2. кичик изтироб, азоб.
БЕДОДГАР — золим, зулм қилувчи, жабрловчи, ситамгар.
БЕДОДУИ — жабр-ситамлик, зулм қилувчи, золимлик, қотиллик.
БЕДОДЛИК — золимлик.
БЕДОДОР — уйғоқ, ҳушёр, сергак.
БЕДОРИК // **БЕДОРИГ** — уйғоқлик, ҳушёрлик, сергақлик, ҳижрон аламидеги уйқу-сизлик.
БЕДОГ — доғсиз, белгисиз.
БЕДОР — ёрсиз, машуқсиз; бедуэт.
БЕЖАДАЛ — жанжалсиз, мунозарасиз, бебаҳс.
БЕЖАЗБ — жозибасиз, ақимсиз.
БЕЖИХАТ — сабабсиз, ўринсиз, беҳуде.
БЕЖО — беҳуда, ўринсиз, ҳато.
БЕЖОДА — қизил, қирмиз тош, маржон.
БЕЖОН — жонсиз, ўлим.
БЕЖУРМ — гуноҳсиз, айбсиз, пок.

Қирғизистонда навоийхонлик

Ушдаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида шонр юбилейи муносабати билан навбатдаги бадий-театрлаштирилган тантана ўтказилди. Унда шаҳар партия, совет раҳбарлари, зиёлар, корхоналарнинг ишчилари, мактабларнинг ўқувчилари иштирок этдилар. Шаҳар халқ маорифи бўлими ходимларидан ташқари Тўқтўул, Ҳабиб Абдулла, Горкий, Рудакий, Ленин, Федченко, Шевченко номли ўрта мактабларнинг ўқувчилари Навоий газеллари билан айтиладиган кўшиқларни куйлашди. «Ҳайрат ул-аброр» достонидан иборатли ҳикоятлар, рубоий ва китъалар ўқилди. Фаол иштирок этган мактаб жамоаларига шаҳар партия комитетининг фазрий ёрликлар, халқ депутатлари Уш шаҳар совети ижроия комитетининг пул мукофотлари топширилди.

Қорасууда буюк ўзбек шоири ва мутафаккирига бағишланган тадбирлар ўтказиш девоси этмоқда. «Партия XXIII съезди» мактабининг ўқитувчи ва ўқувчилари уюштирган навоийхонлик шонр лириканинг турли жанрларида меҳорат билан ижод қилганларини томошбинларга намойиш этди. «Алишернинг болалик чоғлари», «Навоий ва Гули» сингари кичик сахна кўринишлари ҳам кўпчиликка манзур бўлди.

Уш давлат педагогика институти олим ва талабалари «Навоий ижодидан бир шингил» деб номланган бадий-музыкалик кеча ташкил қилди. Ўзбек адабиёти кафедрасининг ўқитувчиси С. Мирзакулов «Шарқнинг буюк шоири», қирғиз адабиёти кафедрасининг мударри Н. Умурулло «Навоий ва қирғиз адабиёти» мавзуларида маъруза қилдилар. Қозғистон ССРде хизмат кўрсатган артист Фанна Литвинская «Лайли ва Мажнун» операсидан ариялар ижро этди. Институт талабалари «Фарҳод ва ва Ширин» достонини асосида тайёрланган икки-уч кишилик сахна кўринишларини намойиш қилишди.

Бундай тадбирлар Жалобод вилоятининг Сўзоқ районида ҳам ўтказилмоқда.

Раҳим ҚАРИМ,
«Халқ сўзи» музбири.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

1991 йилда РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

1. Ҳаққон олий ўқув юртларида СССР фуқаролари ва СССР ҳудудиде яшовчи чет эл фуқаролари қабул қилинади.
2. Олий ўқув юртига кирувчиларнинг барчаси ижтимоий келиб чиқиши, жинси, сўзлашу тили, ижтимоий ва мулкый ҳолати, ирқи, миллати, этнофиоли, партията мансублиги, динга муносабати, ёши, машғулоли ва турар жойидан қатъи назар тенг ҳуқуқлидир.
3. Қабул тўғрисидаги аризага олий ўқув юртига кирувчининг ўрта ва олий маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У шаклидаги тибобий маълумотнома-си, 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат илова қилинади, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.
4. Қундузги бўлимга аризалар 25 июндан 15 июлгача қабул қилинади, имтиҳонлар 16 июлдан бошланади. Талабалikka қабул муддати 5 августгача.
5. Санъат соҳаси бўйича мутахассисликка, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун қабул муддати олий бўлимгоҳ томонидан белгиланади.
6. Олий ўқув юртига қабул қилиш имтиҳон топширувчи тўплаган баллар миқдори бўйича умумий конкурс натижаларига қараб ўтказилади.
7. Олий ўқув юртлари тайёрлов бўлиmlарининг битирувчилари битириш имтиҳонларида тўплаган баллари мазкур умумий конкурсда иштирок этишлари асосида қабул қилинади.
8. Тайёрлов бўлиmlарининг тинловчилари ўз хоҳишлари билан кириш имтиҳонларини СССР Олий ўқув юртлари топширишлари ва шу имтиҳонлар натижалари билан бошқа абитуриентлар қатори умумий конкурсда иштирок этишлари мумкин.

Бир хил балл тўплаган ёки ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кирувчиларни қабул қилиш тартиби:


ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

УРГАНЧ ҚУРИЛИШ КОЛЛЕЖИ

1991—1992 ўқув йилига

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

- Коллежда ўқиш икки поғонада олиб борилади.
- 1 поғона — ўрта махсус маълумот.
 - II поғона — юқори даражада маълумот.
- II поғонали коллежда қуйидаги ихтисосдан бўйича мутахассислар тайёрланади:
- турар жой ва жамоат бинолари меъморлиги. Ўқиш муддати — 3 йил 10 ой;
 - бинолар ва иншоотлар қурилиши. Ўқиш муддати — 3 йил 7 ой;
 - газ таъминоти ускуналари ва тармоқларини ишлашти. Ўқиш муддати — 3 йил 8 ой;
 - қурилишда иштирок ва режалаштириш. Ўқиш муддати — 2 йил 10 ой.
- Ўқиниш битирганларга тегишли ихтисосдаги кичик муҳандис малакаси берилади.
- I поғонали коллеж юқорида кўрсатилган ихтисослар билан бир қаторда яна иккита ихтисосдаги мутахассисларни тайёрлайди:
- қурилишда ҳўжалик фаолиятининг ҳисоб-китоби, назорати ва таҳлили;
 - қўнамазорлаштириш ва боғ-кўнбон ҳўжалиги;
 - I поғонали коллеж сиртки бўлимда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мутахассислар тайёрланади.
- Ҳужжатлар қундузги бўлимга — 1 июндан 31 июлгача; сиртки бўлимга — 3 майдан 10 августгача қабул қилинади.
- Коллежда кирувчилар қуйидаги ҳўжатларни топширади: коллеж директори номига ариза, ўрта маълумот тўғрисидаги ҳўжат (асли), 086/У намунадаги тибобий маълумотнома, меҳнат дафтраси ёки колхозчи дафтрасидан маълумот томонидан тасдиқланган кўчирма (амаллий иш тажрибасига эга бўлган шахслар ва сиртки бўлимга кирувчилар учун), 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат, паспорт ва мажбурий ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳўжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади (бу ҳўжда кирувчиларнинг шахсий ҳўжатларига тегишли қайд ёзиб қўйилади).



ТАДБИРКОР БЎЛИНГ!

- АГАР сиз ҳозирги оғир иқтисодий танглик шароитида ўзингизни ва яқин кишиларингизни ижтимоий жиҳатдан ишонгли муҳофазаламоқчи бўлсангиз у ким билан маслаҳатланиши, қандай йўл тутишни билмасангиз, бизнинг «Астроваз» сугурта корхонамиз Сизга ёрдамга келади.
- БИЗНИНГ сугурта шартномамиз қондалари халқаро мезонларга жавоб беради, шунинг учун «Астроваз» билан ҳамкорликда бошлаган ҳар қандай ишингиз тез ва осон битади. Сугурта тўлови эса ҳеч бир оворегарчиликсиз 72 соат мобайнида қўлингизга тегади.
- СИЗ ўз корхонангиз, ташкилотингиз, ширкатингиз зиммасидаги оғир солиқ юкини енгилаштирингиз ва хо-

лари олий ўқув юрти қабул комиссияси томонидан белгиланади.

Кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган ҳарбий хизматдан ҳўкумат белгилаш тегишли имтиҳонлар билан қайталик ҳақидаги ҳўжжата эга бўлганлар, етимлар ва ота-онанинг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, олий ўқув юртида ўқиш учун иштироклар меҳнат-эксперт комиссияларининг ҳўқоқа ҳўжжати эга бўлган I II гуруҳ ногиронлари конкурсдан ташқари қабул қилинади.

6. Олий ўқув юртлари 2-5 та кириш имтиҳонни белгилаши мумкин. Улардан бири забек (Қорақалпоғистон жумҳуриятида қорақалпоқ) ёки рус тилидан.

Олий ўқув юрти қабул комиссияларига ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим вазири билан келишилган ҳолда қуйидаги ҳўқуқлар берилади:

- имтиҳонни ўтказиш шакли ва кириш имтиҳонларининг баҳо системасини белгилаш;
- комиссиянинг жойларга бориб имтиҳон олишини ташкил қилиш;
- олий ўқув юрти қабул комиссияси иштирок этган ўрта ўқув юртларининг битирув имтиҳонлари, олимпиада, айрим фанлар бўйича конкурс натижаларини кириш имтиҳонлари билан тенглаштириш;
- соҳага оид (конкурсли) айрим имтиҳонларни белгилаш ва шу имтиҳон натижаларида тўплаган баллар асосида қабул қилиш (одатда бу имтиҳонлар ёзма бўлади);
- айрим имтиҳонларни «ўтди» «ўтмади» тарзида икки балли баҳо билан белгилаш.

7. Жумҳуриянинг барча олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари кирувчининг ихтиёри билан ўзбек (Қорақалпоғистон жумҳуриятида қорақалпоқ) ёки рус тилида топширилади.

8. Барча кириш имтиҳонлари (санъат ва жисмоний тарбия мутахассислиги олий бўлимгоҳларидан ташқари) ўрта умумтаълим мактабларининг ўқув дастурлари билан мувофиқлаштирилган дастурлар асосида ўтказилади.

9. Мактабни олтин (кўмуш) медал билан, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ҳўнар-техника билим юртларини иштиёзли диплом билан тугаллаганлар имтиҳон комиссияси белгиланган тартибга кўра I та фандан имтиҳон топширадилар. Битта имтиҳонни «аъло»га топширган абитуриент бошқа имтиҳонлардан озод қилинади, агар шу имтиҳонни «аъло»дан бошқа ижобий баҳога топширса, қолган фанлардан ҳам имтиҳон топширади.

Ўрта таълим баасиздаги ҳўнар-техника билим юртини «аъло» дипломи билан тугатган шахслар ўзи эгаллаган соҳа ихтисослигига кирётган ҳолда мазкур тартибга амал қилинади.

10. Имтиҳонга сабабсиз қатнашмаган ёки «қонғарсиз» ва «ўтмади» билан баҳоланганлар навбатдаги имтиҳонларга киритилмайди.

Имтиҳонга баҳосини ўзгартириш ҳақидаги аризалар апелляцияга оғамки имтиҳон топширилган кунда агар ёзма имтиҳон бўлса, баҳо эълон қилинган кунда берилиши керак.

Апелляцияга топшириш ва уни қўриб чиқиш тартиблари қабул комиссияси томонидан белгиланади.

11. Қабул билан боғлиқ ҳамма масалалар қабул комиссиясида ҳал қилинади.

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ҲАМДА ҚАБУЛ КОМИССИЯСИНING ҲАММА ҚАРОРЛАРИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА КИРУВЧИЛАРГА ЎЗ ВАҚТИДА ЎТКАЗИЛИШИ КЕРАК.

тосурат, паспорт ва мажбурий ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳўжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади (бу ҳўжда кирувчиларнинг шахсий ҳўжатларига тегишли қайд ёзиб қўйилади).

Ўсватига: ўқув юртлари ёки бошқа муассасалар томонидан бериладиган маълумоти тўғрисидаги тасдиқнома, асл ҳўжатларнинг нусхалари коллежга кириш учун асос бўла олмади.

Ҳўнар-техника билим юртини тугатганлик тўғрисидаги гувоҳнома унда умумтаълим фанлари ўрта мактаб ҳажмида ўқитилганлиги кўрсатилган ҳолдаги коллежга кириш учун асос бўла олади.

Қабул комиссияси кирувчилардан аризага қўшиб топширилган ҳўжатлар билан бир қаторда ўқиш ёки иш жойидан тасвиномалар ёки ўқишга кирётган шахсининг меҳнатдаги, касбий йўналишдаги ижодий фаолиятида, умумий ва касбий тайёргарлик соҳасида эришган ютуқларини ақс эттирувчи бошқа ҳўжатларни ҳам қабул қилади.

Кириш имтиҳонлари:
қундузги бўлимда — 1 августдан 25 августгача,
сиртки бўлимда — 10 августдан 30 августгача ўтказилади.

I ва II поғонали коллежга кирувчилар танлаган мутахассисликлардан қатъий назар қуйидаги фанлар шахсининг имтиҳон топширадилар: математика (оғзаки), она тили ва адабиёт (ёзма);

турар жой ва жамоат бинолари меъморлиги мутахассислигига кирувчилар расмдан қўшимча имтиҳон топширадилар.

II поғонали коллежга ўқишга кирувчилар юқорида кўрсатиб ўтилганларга қўшимча равишда қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

турар жой ва жамоат бинолари меъморлиги мутахассислигига — расмдан;

бинолар ва иншоотлар қурилиши, газ таъминоти ускуналари ва тармоқларини ишлашти мутахассисликларига — чизмачиликдан;

қурилишда иқтисод ва режалаштириш мутахассислигига — информатикадан.

Коллежининг манзили: Урганч шаҳри, В. И. Ленин кўчаси, 20-уй.
 Мурожат учун телефонлар: 6-64-97, 6-15-71.

РАЖ АББОЙ АКАНИНГ ҚУВОНЧИ

УРГАНЧДА доридармон тайёрлайдиган корхона қурилиши бошлашга қарор қилинди. Бу илғимлик вилоят табиғий эҳтиёжларини таъминоти бошқармасининг бошлиғи, дорини олим Ражаббой Собировни қаммадан кўпроқ қувонтиради. Чунки у тўрт йилдан бери бўш вақтларини шифобахш ўсимликлар еттиширишга сарфламоқда. Хива районидаги Беруний номли жамоа ҳўжалигидан 3 гектар ерни пудратга олиб, уч йил мобайнида 20 га яқин доривор ўсимлик ўстириб келаяпти.

— Вилоятда бундай корхонанинг қурилиши айна мудоао бўлди, — дейди Р. Собиров. — Завод учун хом ашё шу арнинг ўзида етарли. Амударёнинг Туялүйиндан Юмуртовгача астанган соҳилидаги 10 минг гектардан зиёд фойдаланилмай келинган уюндор вади ми қом ашё еттиштириш учун энг қулай мавқеда. Бу майдонларда ямаоий ҳолда ўсади қан сессик экан, сув ялпиз, қиқбўғим, нилуфар, чилонжияда, бергизуб, зайтун, қора андиқ, туҳумак, итбурун кеби гиёҳ ва дарахтларни экиб кўпайтириш имконияти бор.

Ражаббой ака ўзининг иши фобахш далавсини азим дарё соҳилига кўчириш тараддудида юрибди. Бу ердан унга 2 гектар ер ажратилди. Шу майдонга у фармцеватиква сановати учун зарур эгир (сув ўсимлиги) ва қизилмия билан ширинмия ўруғини экиб қўяди.



Кичкина деманг бизни... С. МАҲКАМОВ олган сурат.

Абдулла СОБИР,
«Халқ сўзи» музбири.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.
 Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖҲРАБОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқадир ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУҲОН, Тоғба ТУЛАГАНОВА, Муҳтарам УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАҚАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.
 Босишга топшириш вақти 21.00
 Босишга топшириш вақти 24.00
 Индекс: 64000 5231-буйуртма.
 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени бошқармаси.
 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

